

**МИНТАҚА ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА
КИЧІК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ ВА
АҲАМИЯТИ.(Зарафшон минтақаси мисолида)**

Низомий номидаги Тошкент Далат Педагогика Университети

PhD, профессор в.б. Уралов Елбай Омонович

**Ташкентский государственный педагогический университет имени
Низами, независимый исследователь**

**РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОМ
РАЗВИТИИ РЕГИОНА (На примере Зарафшанского региона)**

Аннотация: Ушбу мақолада минтақа ижтимоий-иктисодий ривожланишида кичік бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўрни ва аҳамияти мамлакат ва минтақада аҳамияти очиб берилган.

Ключевые слова: Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, иқтисодиёт тармоқлар, саноат, ўрмон ва балиқчилик, инвестиция, тараққиёт, хизмат кўрсатиш, тижорат банклар, дехқончилик, фермер хўжаликлар.

**Uralov Eliboy Omonovich Independent researcher Tashkent State
Pedagogical University named after Nizami**

**THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE
ENTREPRENEURSHIP IN THE SOCIAL-ECONOMIC DEVELOPMENT OF
THE REGION (On the example of Zarafshan region)**

Abstract: В данной статье раскрываются роль и значение малого бизнеса и частного предпринимательства в социально-экономическом развитии страны и региона

Keywords: Малый бизнес, частное предпринимательство, отрасли экономики, промышленность, лесное и рыбное хозяйство, инвестиции, развитие, сервис, коммерческие банки, сельское хозяйство, фермерские хозяйства

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш ва тартибга солиши муҳим вазифалардан бири бўлиб белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов «Тадбиркорлик-иктисодий тангликдан олиб чиқишинг, иқтисодий тараққиётга олиб боришинг асосий иқтисодий воситаси, тараққиёт локомотиви» [42,78]. деб таъкидлаганлар. Бугунги кунда ҳам республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида танланган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш орқали мамлакатда ишлизик даражасини камайтириш имкониятларини оширишнинг омилларини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқdir.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда 2003-йил 20 августдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботи тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги,

мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида 2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши ва бошқа Қарорлари муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда¹ [79,229].

Республиками ЯИМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши сезиларли равишда ўсди. Агар иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси 2000 йилда 31 фоизга тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилга келиб 52,5 фоизга, 2015 йилда 59,1 фоизга, 2017 йилда 63,2 фоизни ташкил этди.

Шу билан бирга, Ўзбекисон Республикаси биринчи Президентининг 2011 йил 7-январда қабул қилинган "2011-2015 йилларда Ўзбекисон иқтисодиётида ислоҳотлар қўламини кенгайтириш ва чукурлаштириш, мамлакатда ишchanлик муҳитини шакллантиришнинг мезонлари ва баҳолаш тизимини аниқлаш ва амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги ПҚ-1464-сонли қарорига асосан, тижорат банкларида кичик бизнес субъектларига кредитларни ажратишида гаровга қўйилган мулкни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни кредитнинг умумий суммасида акс эттириш амалиёти жорий қилинди.

2011 йилнинг 1-январидан бошлаб Марказий банкнинг амалдаги молиялаштириш стафкаси йиллик 14 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди. Бу эса, ўз навбатида тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларнинг фоиз стафкалари пасайишига ва ажратиладиган кредитнинг ўсишига олиб келди.

Бугунги кунда мамлакатимизда саноатда 39,6 фоиз, хизматларда 58,4 фоиз, қурилишда 65,1 фоиз, банкларда 78,3 фоиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келади.

Банкларнинг инвеситион кредитлари усувор равишида «2011-2015 йилларда саноатни ривожлантириш», «2013 йилги Инвестиция дастури» ҳамда тармоқларни модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш ва худудларни ривожлантириш Давлат дастурларига киритилган лойиҳаларни қўллаб-кувватлашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан минитехнологияларни сотиб олишни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Ўзбекисон Республикаси биринчи Президентининг 2011 йил 11-мартдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1501-сонли қарори билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг янада эркинлаштирилиши ҳамда улар учун яратилган имтиёз ва қулайликлар, соҳанинг янада ривожланишига ва натижада ушбу сектор субъектлари томонидан банк хизматлари ва кредитларига талабнинг ошишига имкон бермоқда.

Ўзбекисон Республикаси биринчи Президентининг 2013 йил августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг

¹ Уралов Е.О. Заرافшон миңтақаси меҳнат ва табиий ресурслари ва улардан фойдаланиш муаммолари // “Инсон-жамият-табият” системасида мувозанат ва ривожланиш муаммолари мавзусидаги илмий-назарий семенар материаллари. – Т., 2014. – 229 б.

экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2022-сонли қарорига мувофиқ, ташки иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида республика минтақаларида ҳудудий филиаллари бўлган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси» ташкил этилди.

Амалга оширилган кенг қўламли чора-тадбирлар натижасида, 2017 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 57095,6 млярд сўмни, жами саноат ишлаб чиқаришнинг 39,6 фоизни, ёки 2016 йилга нисбатан, ўсиш сурати 102,1 фоизга, инвеститциялар 19407,1 млярд сўмни, умумий ҳажмининг 32,0 фоизини ташкил этади, қурилиш соҳасига 22173,8 млярд сўм, қурилиш ишларини умумий ҳажмини 65,1 фоизи, хизмат қўрсатишни 68161,9 млярд сўмни, жами ҳажмини 58,4 фоизини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик хиссасига тўғри келади.

Зарафшон иқтисодий районида саноат тармоғлари кесимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони Бухоро вилоятида 2019-йилда 1-январда 15700 та, саноат маҳсулотлари 3501,8 млярд, жами саноат ишлаб чиқаришининг 41,1 фоизини, Навоий вилоятида 2019 йил 1 январь ҳолатида 9143та саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 3640,0 млярд сўмни жами саноат маҳсулотини 16,1 фоизни, Самарқанд вилоятида 1январда 20669 та, саноат маҳсулотлари 6064,5 млярд, жами саноат ишлаб чиқаришининг 51,1 фоизини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ташкил этади² [58,28].

6-диаграмма Зарафшон иқтисодий райони кичик тадбиркорлик субъектлари туманлар кесимида жами вилоятга нисбатан сони фоизда кўришимиз мумкин. Бухоро вилояти энг паст қўрсатгичлар Қорвулбозор тумани, Когон шахри, Вобкент тумани ва Олот туманлари паст тақсимланиши, Бухоро шахри, Ромитан тумани, Фиждувон туманларида юқори кичик тадбиркорлик субъектлари тўғри келаётганлигини қўрсатмоқда.

Масалан, кейинги вилоят Самарқанд ва Навоийда Нуробод,Қўшработ, Томди туманларида энг паст қўрсатгичга эга, сабаби бу вилоятлар таббий географик жиҳатдан чўл зонасида жойлашган туманлари ҳисобланади.

Тармоғ ичида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни улуши жуда юқори, масалан, Бухоро вилоятида 2018 йилда 17294,2 млярд, жами қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ялпи маҳсулотининг 99,0 фоизини, Навоий вилоятида 9291,2 млярд, жами қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларини ялпи маҳсулотининг 98,1 фоизини ва Самарқанд вилоятини 26293,9 млрд сўмни ташкил қилиб, жами ялпи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларини ялпи маҳсулотининг 94,6 фоизини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ташкил этади. 2020 йилда бу қўрсаткичлар деярли ўзгармаган сақланган ҳолда, чунки бу ҳудудларда қадимдан дехқончилик ривожланиб келган. Ҳаммаси бу Зарафшон дарёси билан боғлиқ ерлар доимо фермерчилик ишлари ривожланиб келган.

² Намозов Ж., Уралов Е.О. Зарафшон минтақаси сув ресурслари ифлосланишининг ҳудудий жиҳатлари // Экология хабарномаси. – Т., 2016, №12. – 28 б.

Мамлакат турли худудларида бўлганли каби қурилиш соҳалари жавал кетмоқда, шу сабабли миңтақанинг Бухоро вилоятида ҳам давом этмоқда 2020 йилда 2667,5 миярд сўмлик қурилиш ишлари, умумий ҳажмининг 82,6 фоизини, Навоий вилоятида 2018 йилда 1416,7 млрд сўмни, қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 70,7 фоизи, Самарқанд вилоятида 2020 йил 2868,8 миярд сўмлик, қурилиш ишларининг умумий ҳажмининг 98,3 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тўғри келади, вилоятлар ичида Самарқанд вилояти юқори кўрсатгичга эга.

Иқтисодий район худудларни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришда фаол инвестициялар роли ҳам муҳим аҳамиятга эга, шу нуқтаи назардан Зарафшон иқтисодий райони, Бухоро вилоятида 2020 йилда 2001,3 миярд сўм, умумий инвестициялар ҳажмининг 25,5 фоизи, Навоий вилоятида 2018 йилда 1478,0 миярд сўмлик инвестициялар умумий инвестициялар ҳажмини 16,3 фоизи, Самарқанд вилоятида 2020 йил 3102,0 миярд сўмлик инвестиациялар уларнинг умумий ҳажмини 54,0 фоизига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисасига тўғри келмоқда.

2020 йилда Республикаизда 387566 та рўйхатидан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан, 56151 та Зарафшон иқтисодий районига тўғри келади. Бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан маълум даражада қисқарган. Бунинг асосий сабаби 2017 йилда фермер хўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш бўйича ишлар амалга оширилиши натижасида фермер хўжаликлари сонининг қисқариши билан боғланган.

Бу ўз навбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонига ҳам таъсир кўрсатди. Бироқ, охирги йилларда уларнинг сони яна ортиб бормоқда. Рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг 91 фоиздан ортиғи фаолият кўрсатмоқда. Қолганлари эса ўз фаолиятини тўғри ташкил қила олмагани учун бутунлай тугатилди ёки тўхтатиб қўйилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кўпчилиги ўз фаолиятини узоқ муддат давом эттира олмаяптилар, яъни бир йилга бормасдан фаолияти тўхтатилмоқда. Масалан, 2009 йилда Зарафшон иқтисодий районида 58695та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этилган бўлса, ўша йили 5087 та кичик корхона ўз фаолиятини тугатди. Агар бу кўрсаткични ўша йили ташкил этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиштирадиган бўлсак, унда корхоналарнинг 40 фоизининг фаолияти тўхтатилганлиги маълум бўлади.

Иқтисодий район бўйича рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналарининг юқори кўрсатгичлари Самарқанд (32,4 %), Бухоро (16,5 %), Навоий (12,7 %) шаҳарларида ҳамда, Хатирчи (21,4), Қизилтепа (18,2), Кармана (15,5%), Навбаҳор (15,5 %), Шофиркон (10,5%), Фиждувон (10,2 %),

Пастдарғом (8,3 %), Ромитан (8,0%), Вобкент (7,4%), Ургут туманларыда (7,2 %) күзатилмокда.

Қолған ҳудудларда унинг кўрсаткичлари нисабат пастроқ эканлиги аниқланди. Бу ўринда, айниқса, Когон, Коровулбозор, Олот, Томди, Учқудук, Пахтачи ва Қушработ туманларига хос кўрсатгичлар анча пастлигини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ва ривожлантиришда ҳудудий омилларнинг таъсирини яққолроқ тасаввур этишда, Қизилтепа ва Олот туманларини мисол тариқасида таққослаш мумкин.

Маълумки, ҳудудлар ўзларининг иқтисодий жойлашуви, демографик кўрсаткичлари, табиий шароити ва бошқа жиҳатлари билан фарқланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир туманнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантирилиши мақсадга мувофиқдир. Демак, бу иқтисодий районларда бир хил шароитлардан келиб чиқиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб бўлмайди.

Иқтисодий районда 2020 йилда кичик бизнес субъектлари ҳисобига барпо этилган ишчи жойлари фоиз киши ҳисобида, Самарқанд шаҳрида 18,4, Бухоро шаҳрида 13,1, Когон шаҳрида 7,7, Навоий шаҳрида 9,5, Хатирчи туманида 20,1, Қизилтепа туманида 15,4, Кармана туманида 14,4, Навбаҳор туманида 12,8, Фиждувон туманида 12,4, Шоғиркон туманида 9,9 %, Бухоро туманида 8,3 %, Қоракўл туманида 8,2, Ургут туманида 10,6 ва 7,8 Пайариқ туманларида тўғри келмоқда.

Зарафшон иқтисодий районининг мавжуд иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушкининг асосий қисми, 18 фоизи қишлоқ хўжалигига, 15 фоизи йўловчи ташишга, 15 фоизи қурилиш ишларига, 10,2 фоизи чакана савдо айланмасига, 11,7 фоизи жами хизматларга, 9,4 фоизи юқ ташишга, 12,3 фоизи аҳолига пуллик хизмат кўрсатишга, 8,4 фоизи саноат маҳсулотлари соҳаларига тўғри келди. 2008-2009 йиллар орасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улуси барча тармоқ ва соҳаларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмида ўсиб борди. Аммо уларнинг улуси саноат тармоқларида жуда кам, қишлоқ хўжалигига эса анча юқоридир.

Иқтисодиётда рўй берган ижобий ўзгаришлар оқибатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг Республика бўйича ЯИМ даги улуси доимий равишида ортиб бормоқда. Бироқ, ушбу қўрсаткич республика ўртача қўрсаткичидан анча паст. Умуман, ЯҲМ ҳамда саноат маҳсулотлари таркибида кичик бизнеснинг улуси бўйича Зарафшон иқтисодий райони Республика иқтисодий районлари ичида охирги ўринлардан бирини эгаллайди.

Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан такомиллаштириш, шунингдек, кичик бизнес ва хизматлар соҳасини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар изчил амалга оширилди.

Иқтисодий районнинг ялпи ички маҳсулотидаги улуши 54,6 фоизгача, хизматлар соҳасида 52 фоизгача кўпайди³ [76,129].

Хусусан, Булунғур, Кўшработ, Нуробод, Тайлөк, Нурота ва Кармана туманларида кичик бизнес корхоналарининг саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улушлари анча юқори бўлди. Йирик саноат корхоналари кўп жойлашган Бухоро, Навоий, Самарқанд, Каттакўргон, Когон ва Зарафшон шаҳарларида бу кўрсаткич нисбатан пастдир.

Шунингдек, Пайариқ, Навбаҳор, Пешку, Шофиркон ва Қоракўл туманларида ҳам ушбу кўрсаткич анча паст. Айтиш жоизки, ушбу худудларда йирик саноат ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва қишлоққа саноатни олиб кириш йўли билан уларнинг ролини ўстириш имкониятлари мавжуддир.

Бугунги кунда вилоятда кичик бизнес субъектлари томонидан етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 86,6 фоизи тайёрланмоқда. Тайёрланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ярмини Булунғур, Жомбой, Тайлөк, Ургут, Хатирчи ва Қизилтепа туманлари етиштишириб беради.

Зарафшон иқтисодий райони республикада стратегик аҳамиятга эга бўлган ва худуди марказда жойлашган иқтисодий районлардан бири ҳисобланади. Иқтисодий район республикада аҳоли ва меҳнат ресурслари салоҳияти жиҳатидан Тошкент, Фарғона иқтисодий районларидан кейинги ўринда туради. Бироқ, республика ЯИМдаги ҳамда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда етакчи ўринни эгаллайди.

Иқтисодий район ўзининг орографик хусусиятлари бўйича республиканинг бошқа иқтисодий районларидан кескин фарқ қиласди. Унинг худудида кичиккичик қолдиқ тоғликлар ва кенг майдонга эга бўлган чўллар мавжуд бўлиб, улар турли хил қазилма заҳираларга бой. Айнан ана шу минерал хомашё ресурслари вилоят иқтисодиётини шакллантириш, унинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди.

Иқтисодиёти кўпроқ бирламчи секторнинг тоғкон саноати ва яйлов чорвачилигига ихтисослашган. Республика меҳнат тақсимотида рангдор металлургия, кимё, машинасозлик, нефт ва уни қайта ишлаш, қурилиш материаллари, электр энергетика ва қорақўлчилик маҳсулотларини етиштириш билан ажralиб туради. Умуман, иқтисодий районнинг мамлакат миллий иқтисодиётидаги ўрни анча юқори.

Мутахассислар фикрича Япониянинг жаҳондаги иқтисодий нуфузининг ошишида ва «Япония мўъжизаси»да кичик бизнес ҳал қилувчи роль ўйнайди. Мамлакатнинг биргина қайта ишлаш саноатида 6,5 млн. кичик корхона фаолият юритади, бу эса жами корхоналарнинг 99 фоизини ташкил этади. Бу соҳада 40 млн. дан ортиқ ишчи кучи банд бўлиб, жами банд аҳолининг 81 фоизини ташкил этади⁴ [97,85].

³ Уралов Е.О. Зарафшон минтақасининг ижтимоий-иктисодий ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни. ЎзМУ хабарлари. – Т.: 2013, №4. – 129 б.

⁴ Қосимова М. Ҳодиев Б. ва бошқалар. Кичик бизнесни бошқариш. -Т.: Ўқитувчи, 2003. -85 б.

Маълумки, вилоятда иқтисодий салоҳият нуқтаи назаридан, хусусий тадбиркорликнинг имкониятлари нисбатан чекланган. Улар йирик корхоналар сингари кучли моддий-техника базасига, барқарор ресурслар манбаига, йиллар давомида шаклланган сотиш бозорларига эга эмас. Бундан ташқари, бозор конъюнктурасининг бирмунча ўзгариши ҳам хусусий тадбиркорлик корхоналарига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу муаммолар жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида янада кескинроқ, жиддийроқ кўринишда юз бермоқда. Хусусий тадбиркорликнинг бундай жиҳатлари ўзига нисбатан алоҳида ҳимояни тақазо этади.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий районда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуидагилардан иборат: иқтисодиётнинг барча тармоқларида кичик бизнес субъектлари сонини қўпайтириш; мавжуд табиий-иктисодий салоҳиятдан самарали фойдаланган ҳолда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш; иқтисодий районнинг иқтисодий имкониятлари ва ихтинослашувига асосан ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш; улар учун зарур бўлган хомашёларни етказиб бериш масалаларини давлат миқёсида ҳал этиш ва уни амалга ошириш муҳим устувор вазифалардан ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни нафақат шаҳарларда ёки туман марказларида, балки қишлоқ жойларида ҳам жадал ривожлантириш иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Зарафшон иқтисодий райони иқтисодиётида хусусий секторни улушкини ва аҳамиятини тубдан ошириш, тадбиркорликни фуқароларнинг асосий даромад манбасига айлантириш ва иш билан банд бўлмаган аҳолини тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб қилишга доир чора-тадбирларни янада ошириш орқали вилоят ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида кичик бизнеснинг улushi ва унда аҳолининг бандлик даражаси қўтарилишига эришилади.

Иқтисодий районларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти барқарор ривожланиши учун бой табиий-ресурс салоҳиятидан, хусусан, эртапишар сабзавот ва субтропик меваларни етиштириш бўйича иқтисодий районнинг устунлигини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш имкониятидан оқилона ва самарали фойдаланиш, мева-сабзавотларни тайёрлаш ва сақлаш бўйича ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларини ривожлантириш, иқтисодий районларнинг тарихий-маданий ва меъморлик обидалари асосида туристик хизматларни ривожлантириш каби йўналишларга асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

- 1) Қосимова М. Ҳодиев Б. ва бошқалар. Кичик бизнесни бошқариш. -Т.: Ўқитувчи, 2003. -85 б.

- 2) Уралов Е.О. Зарафшон минтақасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни. ЎзМУ хабарлари. – Т.: 2013, №4. – 129 б.
- 3) Намозов Ж., Уралов Е.О. Зарафшон минтақаси сув ресурслари ифлосланишининг ҳудудий жиҳатлари // Экология хабарномаси. – Т., 2016, №12. – 28 б.
- 4) Уралов Е.О. Зарафшон минтақаси меҳнат ва табиий ресурслари ва улардан фойдаланиш муаммолари // “Инсон-жамият-табиат” системасида мувозанат ва ривожланиш муаммолари мавзусидаги илмий-назарий семенар материаллари. – Т., 2014. – 229 б.